

2016 йил 21-22 апрель



ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВА МУТАФАККИРЛАРИ ТАРИХИЙ МЕРОСИДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция
материаллари тўплами



2016 April 21-22

The international scientific and
practical conference
“PROBLEMS OF ART AND
CULTURE IN THE HISTORICAL
HERITAGE OF SCIENTISTS
AND THINKERS OF THE
MIDDLE AGES OF THE EAST”

МУНДАРИЖА

КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ТАБРИКЛАШ			3
ЯЛПИ МАЖЛИС МАЪРУЗАЛАРИ			
1.	<i>Абдухалил Маврулов</i>	ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР	13
2.	<i>Квон Дон Жин</i>	РАСШИРЕНИЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ МЕЖДУ ЎЗБЕКИСТАНОМ И КОРЕЕЙ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ	14
3.	<i>Фарах Алиева</i>	МУЗЫКАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА АЗЕРБАЙДЖАНА: ТРАДИЦИИ И СОВРЕМЕННОСТЬ	17
4.	<i>Baek Mun Jong Norboeva F.R.</i>	UZBEKISTAN-KOREA: THE RESULTS OF THE COOPERATION	19
5.	<i>Хазбулатов А.Р.</i>	НАУЧНОЕ ТВОРЧЕСТВО АЛЬ-ФАРАБИ В КОНТЕКСТЕ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ	22
6.	<i>Егяна Алиева</i>	ВОСТОЧНЫЕ КУЛЬТУРНО-ФИЛОСОФСКИЕ ТРАДИЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ МОДЕЛИ ТЕАТРАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ	26
7.	<i>Оқилхон Иброҳимов</i>	ҲАЗРАТ НАВОИЙНИНГ МУСИҚИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ	28
I-ШҮЪБА			
ЎРТА АСР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВА МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ВАТАН ВА ЖАҲОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ			
1.	<i>Рустамбек АБДУЛЛАЕВ</i>	ТРАДИЦИИ МУЗЫКАЛЬНЫХ КУЛЬТУР В ИССЛЕДОВАНИЯХ УЧЕНЫХ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ	31
2.	<i>Мусаллам Абдужаббарова</i>	“ТАВОРИХИ МУСИҚИЙН” ДА ШАРҚ МУСИҚА ИЛМИ НАМОЁНДАЛАРИ ҲАҚИДА	35
3.	<i>Bakhtiyar Ashurov,</i>	STUDY ILMU ADVAR	37
4.	<i>Сарсенбай Балтаиязов Айтмуратович</i>	ЎРТА АСРДАГИ ШАРҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ	38
5.	<i>Бекмуродов Мансур Бобомурович</i>	АЛИШЕР НАВОИЙ БҮЮК МУСИҚА МУТАФАККИРИ	42
6.	<i>Д.Б. Баймухаммедова</i>	ФАҲРИДДИН АР-РОЗИЙНИНГ МУСИҚА САНЪАТИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ	45
7.	<i>Voltaev Baxtiyor</i>	MUSIQA DARSLARIDA SHARQ MUTAFFAKKIRLARINING MADANIY MEROSIDAN FOYDALANISH	48
8.	<i>Ғофурбеков Тўхтасин Ботирович</i>	НАВОИЙ ВА МУСИҚА: МУАММО БЕШ ЯРИМ АСР ТАДҚИҚОТЛАРИДА	52
9.	<i>Жуманазаров Хуршид Сирожидинович</i>	ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МУСИҚИЙ ДАВОЛАШ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	53
10.	<i>S.S.Malikova</i>	O'RTA ASRLAR SHARQ ALLOMALARI VA MUTAFFAKKIRLARI IJODIDA MUSIQA VA QO'SHIQ ILMI	56
11.	<i>D.M.Malikova</i>	FOROBIY VA UNING JAHON MUSIQA NAZARIYASI RIVOJIGA QO'SHGAN HISSASI	60
12.	<i>Мамирова Д. Т.</i>	НАСЛЕДИЕ АБУ АЛИ ИБН СИНА И ЕГО МУЗЫКАЛЬНАЯ ТЕРАПИЯ	64
13.	<i>Мустафаев Ш. Н.</i>	САМАРҚАНД МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	66
14.	<i>Муҳамедова Феруза Нурмахматовна,</i>	АЛИШЕР НАВОИЙ ТИЛСИМИ ВА ҒОЯЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИЕТИГА ТАЪСИРИ	70
15.	<i>Нарманов Ф.А.</i>	ҒОРОБИЙНИНГ ЎРТА АСР МУСИҚА ИЛМИГА ҚУШГАН ҲИССАСИ	73
16.	<i>Одилов А.И. Одилова Ф.А.</i>	ЎРТА ОСИЁДА ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ	76

Зайнулобиддин Хусайний Навоийга багишлаб "Мусиканинг илмий ва амалий кунунлари" рисоласини яратади ва уни Амириддин Алишерга касида билан бошлаб, *Ироқ, Сифохон, Кўчак* ва *Бузурге* мақомларини тилга олади.

Хусусан, Бобур мусика ижодиётида Навоийнинг "хўб нақшлари ва пешравлари" мавжудлигига гувоҳлик бериб ўтса, Дарвешали Чангий бу маълумотларни XVI аср охири - XVII аср бошларидаги янгиликлар билан бойитиб, буюк шоиримиз - усуллар яратишда ҳам ном чиқарганлигини алоҳида таъкидланди, яъни мазкур икки аср кесимида "Машхур *ўн еттита* ва уларга қўшилган *йигирма тўртта* усуллар" (Рисоланинг IV боби) қаторидаги еттита усул-Алишер Навоий ижодига мансублигини, *ўн еттитаси эса* - Хусайн Бойқарога тааллуқлигини ишонарли тарзда кўрсатади.

"Тухфат ус-сурур" нинг кейинги бобларида Навоийнинг отаси- Гиёсиддин Муҳаммад ўз ўғлини қай даражада қамровли таълимлар тизими, хосатан мусика соҳасида ҳам- мукамал билимлар олишини таъминлаганлиги, буюк шоиримизнинг ноёб антологияси-"Мажолис ун-нафоис" идаги мусиқий саҳифаларидан парчалар (VIII-боб), ўз даврининг бетакрор м е х т а р и Сайид Аҳмад Мироқийнинг усуллар оламидаги топкирлигининг Хусайн Бойқаро ва Навоийга семантик таъсири ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Кейинги асрларда. қарангки, вазият-аввалгиларга ўхшаган тарзда тус олган. Дейлик, Европа ва буткул Осиё тан олган Армий Вамбери ўзининг фундаментал тадқиқоти- "Путешествие в Среднюю Азию" га илова бўлмиш- "Очерки Средней Азии"¹⁴ саҳифаларида диёримизга келган чоғлари, яъни XIX асрнинг 60-йилларида: "...*Навоий куйлари* билан... ижро этилаётган" икки ғазалини келтиради. Яъни, яна бир бор *умумлашма* кузатув, гувоҳлик ва хулосага дуч келмоқдамиз. XIX аср охири- XX аср бошларида ҳам ана шундай манзара кузатилади. Абдулхамид Чўлпон (1889-1938), Элбек (1898-1939), Ғулом Зафарий (1889-1938) кейинроқ Ф.Раҳмон (йиллари номаълум) ларнинг айрим мақолалари бунга мисол бўла олади. Мазкур авлод вакилларида фақат Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат (1886-1937) гина ўзининг "Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи" (Москва, 1927) номли китоби ва бир қатор матбуотда эълон қилган мақолаларида Навоийнинг мусикамиздаги ўрни, бастакорликка алоқадорлиги ва ҳатто, буюк шоиримизнинг конкрет мусиқий асари – "Қари Наво" (Фитрат таъбирида "Қари Навоий") куйининг нотаси билан таҳлил қилади. Диккат-этиборимизни Фитрат китобидаги кетма-кетига ўртага ташланган куйидаги саволларга қаратайлик: "Навоийнинг мусиқий асарларидан бизнинг замонамизгача етишгани борми?... бутун адабий асарларини бу кунгача жуда яхши сақлай олган бизлар унинг мусиқий асарларидан ҳеч бирини сақлай олмадикми, улар ёқолиб битганми?... Жомийдан қолган "Нақши Мулло" бу кунгача сақланилган экан. Навоийнинг, ҳатто, Бобур... томонидан мақталган куйлари сақланмадими?"¹⁵

* * *

Қандай ачинарли, лекин тарихан-ўта ҳаққоний саволлар. Бу кундан қарийб 90 йил аввал зукко Фитрат тарафидан кўйилган нақадар долзарб масала ана шу давр ичида ўрганилдими, бирор-бир таклиф, ҳеч бўлмаганда илмий гипотеза даражасига етиб бордими?

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МУСИҚИЙ ДАВОЛАШ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

*Жуманазаров Хуршид Сирожиддинович
Катта илмий ходим-изланувчи
ЎзР ФА Тарих институти*

Мазкур мақолада ўрта аср шарқ алломаларининг мусика ёрдамида хасталикларни даволаш борасида қарашлари келтирилган. Хусусан, муаллиф Ибн Синонинг табобатда мусиканинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикрларини тадқиқи этган. Шу билан биргаликда бошқа халқларнинг ҳам мусиқий даволашга доир қарашлари келтирилган.

Калит сўзлар: табобат, мусика, оҳанг, руҳий таъсир, аллома, шифо, анъана, куй-қўшиқ.

В этом статье дано взгляды мыслителей востока в средневековье, которые упомянули про лечение с помощью музыки. В особенности автор исследовал мнение Ибн Сино про роль

¹⁴ Вамбери. А., Очерки Средней Азии.-М.: Издательство А.И.Мамонтова, 1868.С.241

¹⁵ Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи.-Тошкент: Фан,1993. 41-бет.

и важность музыки в лечении. Вмести с этим приведено взгляды других народов лечение болезней с помощью музыки.

Ключевые слова: Медицина, музыка, тон, душевное воздействие, мыслитель, лечения, традиция, песня.

In this article eastern scholars mentioned about the ideas that eastern scholars treated different illnesses with the help of music. Precisely the author investigated Ibn Sino's opinions about the role and importance of music in medicine. Besides there was mentioned the ideas of other nations related to musical treatment.

Key words: medicine, music, scholar, tradition, harmony, emotional influence, recovery, melody song.

Шарқ табобатида табиблар беморларни доривор гиёҳлар, ҳайвон аъзолари, турли минераллар ҳамда шифобахш сувлар, тузлар билан даволаш усулларидан кенг фойдаланганлар. Табиблар даво ашёларининг табиийлиги, зарарсизлиги ҳамда бошқа хасталикларни қўзғамаслиги каби ҳолатларга катта эътибор қаратишган. Лекин, инсонда жисмоний касалликлар билан бир қаторда рухий, аклий хасталиклар ҳам кузатиладики, бундай касалликларни даволашда шарқ табобати вакиллари мусикадан кенг фойдаланганлар. Қадим замонлардан бери табиблар беморларни мусиқа, ашула, рақс воситаларида даволаб келганлар. Бундай усул нафақат бизда балки, барча халқлар табобатида мавжуд. Масалан, қадимги Миср табиблари беморларни оҳанг кўмагида даволаш бўйича яхшигина натижаларга эришишган. Хитойлик табиблар эса беморнинг касаллигига қараб уларга мусиқий терапиянинг ягона дориси - куй-қўшиқларнинг фойдалигини тавсия қилишган[6]. Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳар бир миллатнинг дунёқарashi, менталетити, диний ва ахлоқий кадрятлари ҳамда ҳўжалик турмуш тарзи асосида ўзининг миллий мусикаси шаклланади. Географик, этник ва бошқа омиллар таъсирида маҳаллий мусиқа, яъни фольклор ўша халқларнинг дунёқарashi ва ҳиссиётларига қараб, турлича шаклланади. Шундай экан, миллий мусиқа ўша халқнинг дунёқарashини, турмуш тарзини, хоши-истакларини намоён этувчи воситадир.

Азалдан шарқда мусиқий билим ва уни эгалар кадрланган. Барча билим муассасаларида бошқа фанлар қатори мусиқий таълим ҳам ўқитилган. Шу сабабли шарқ алломалари мусиқий билимга эга бўлиб, айрим чолғу асбобларини чалишни билганлар. Улар ўз асарларида мусиқа ва унинг сеҳрли олами ҳамда айрим шифобахш ҳусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтганлар.

Ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарлари таҳлил қилар эканмиз, ушбу асарларда мусиқа илми ва унинг шифобахш ҳусусиятлари ҳақида атрофлича маълумот берилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шарқ табобати анъаналарини илмий жиҳатдан асослаб берган Абу Али Ибн Сино(980-1037) мусиқага оид бешта асар ёзган[3:134]. Манбаларда алломанинг ёшлигиданок мусиқа билан мунтазам шуғулланганлиги қайд этилади. Ибн Сино мусиқанинг инсонга таъсири, ёқимли ёки ёқимсизлиги, мусиқа товушини эшитганда лаззатланиш ёки нафратланиш каби ҳисларнинг пайдо бўлишига эътибор қаратади. Бу каби ҳолатлар инсоннинг табиатидан келиб чиккан ҳолда унинг соғлигига ижобий ёки салбий таъсир ўтказиши мумкинлигини таъкидлайди.

Ибн Сино табобатда мусикадан фойдаланишга доир қарашларини “Тиб конунлари”, “Китоб аш-шифо” каби асарларида илгари сурган. Жумладан: “болани мижозини кучайтирмоқ учун икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани оҳиста тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга, руҳи билан мусиқага бўлган истездоди ҳосил қилинади”-дейди[9].

Аллома инсоннинг юрак уриши (пульс)ни, уд чолғусини сошлаш билан қиёслаб ўргатган[2:138]. Пульснинг мусиқа тембри ва ритмига мослигига қуйидагича изоҳ бериб ўтган: «Сен шуни яхши билишинг керакки, пульсда табиий нозик мусиқий оҳанг мужассам. Мусиқа санъатидаги товушлар қўшилмаси, касалликнинг ўткир даври ва оғирлик даражаси мутаносиблигини акс эттиради ва бу ритмлар орасидаги вақтни белгилайди»[5:109]. “Киоб

аш-шифо” асарининг мусикага бағишланган қисмида ҳам бу хусусда сўз юритилиб, “Сезги аъзоларига таъсир қиладиган нарсалардан бири товуш бўлиб, у ўзига хос ёқимлилиги билан ажралиб туради. Инсон қалби ҳар бир ёқимли нағмадан ором олади”- дейилади ҳамда бемор ўз характеридан келиб чиқиб ўзига мос мусика ва оҳангни танлаши кераклиги ўқдиради. Демак, биз мусика эшитишганимизда барча тана аъзоларимизда ва руҳиятимизда ўзгариш юз беради ва мусиканинг руҳ ва танага мос тушиши ҳасталиклардан фориғ этади. Ибн Сино ўз даврининг етук табиби бўлиш билан биргаликда мусиқий билимдан ҳам яхшигина хабардор бўлганлигини унинг асарларини мутоала қилиш орқали билишимиз мумкин. Аллома мусикани табобатга нафақат даво усули сифатида тадбиқ қилди, балки айрим тиббий жараёнларни бошқаларга тушунтириш учун ҳам мусиқий билимлардан кенг фойдаланган.

Мусиканинг инсонга нафақат эстетик завқ бағишлаши, балки руҳий ҳолатга таъсирини ҳам очиб беришга ҳаракат қилган алломалардан бири Ал-Киндий эди. Унинг фикрича, мусика инсон руҳиятига таъсир қилувчи дори воситасидир. Манбаларда Ал-Киндий бир савдогарнинг шол бўлиб қолган ўғлини уд асбобидан таралган куй орқали муолажа қилгани ҳақида маълумотлар учрайди[8]. Иккинчи манбада Дарвеш Али Чангийни чанг асбоби мусикаси билан беморни давоалаган келтирилган[10].

Ўрта асрларда яшаб ўтган яна бир аллома Алишер Навоий(1441-1501) ўзининг “Мажolisун нафоис” асарида мусиканинг ва санъатнинг жонбахш, шифобахш ва оромбахш таъсири очиб берган. Унинг ўзи ҳам бевосита мусика илмидан бохабар бўлиб, мусиканинг инсон онги ва руҳиятига бўлган таъсирини яхши англаган. Абдурауф Фитрат ўзининг «Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи» китобида Навоийнинг мусика илмини Хожа Юсуф Бурҳон исмли таниқли мусикашунос олимдан ўрганганлиги, мусика назарияси ва амалиётини яхши билганлигини ёзади[4]. Навоий инсон ҳаётида мусикани ўрни ва унинг таъсири каби масалаларга катта урғу беради. Мусика ва тиб илмидан хабари бўлган аллома инсонларни даволашда куй ва оҳангнинг ўрни бекиёс эканлигини асарларида кўришимиз мумкин.

Навоий устози Абдурахмон Жомийдан(1414 - 1492) мусика ҳақида асар ёзишни илтимос қилган. Шундан сўнг Жомий “Рисолаи мусиқий” асарини яратган. Асарда аллома мусикага инсон ва табиат ўртасидаги бирликни белгиловчи омил деб қарайди ва асаринг сўнгида халқимизнинг буюк мероси “Шашмақом”нинг инсон руҳиятига бўлган таъсирига тўхталиб ўтган[7]. Унга кўра “Шашмақом”даги ҳар бир мақом инсоннинг жисмоний (шижоат, қувват, куч) ва руҳий (шавқ, ҳазинлик) ҳолатини мутаносибликда ушлайди. Бу эса тана ва руҳ саломатлигига бевосита таъсир ўтказади.

Бундан ташқари Кайковус (1021-1098), Маҳмудал-Шерозий (1236-1310), Муҳаммад ал-Амулий ва бошқалар мусикани шифобахш хусусиятга эга эканлигини, моҳир созанда қўлида одам руҳига, дардига даво бўлиш билан бирга, хулқ-атворини яхши томонга ўзгартириши мумкинлигига эътибор қаратишган[1].

Шарқ алломалари ўз қарашларида мусикани инсонларнинг руҳий дунёси ҳамда маънавий қиёфасини даволаш омили сифатида илгари суришган. Шарқ табобатида ҳасталиклар йирик икки гуруҳга ажратилади: руҳий ва ақлий ҳасталиклар ҳамда жисмоний касалликлар. Шарқ алломалари ҳатто жисмоний ҳасталикларни даволашда ҳам бирламчи ҳаракат сифатида беморнинг руҳий оламини тузатиш зарур дейишган. Бугунги кунда замонавий тиббиётда нафақат руҳий касалликлар балки мураккаб жарроҳликларни амалга оширишда ҳам мусикадан фойдаланилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида “мусиқий терапия” курслари ташкил қилинган. Демак ўрта аср Шарқ алломалар ўз изланишларида мусиканинг шифо хусусиятлари ҳамда инсон руҳиятини даволашда беназир манба эканлигини ҳақида қимматли маълумотларни қўлга киритганлар. Бугунги кунда эса бу қарашлар нафақат жаҳон мусикаси ютуғи, балки шарқ табобати анъаналарининг ўзига хос тизими сифатида дунё маданиятида ўз ўрнига эга бўлди.

Адабиётлар рўйхати:

1. https://www.books.com/permalink.php?story_fbid=269111319944243&id=197589830429726
2. Арипов Т. Ибн Сино ва унинг мусикашуносликка оид асарлари // “Ибн Сино таълимоти – фан тараққиётида” мавзусидаги VII халқаро анжумани тезислари. Бухоро. 2013.

3. Ирисов А. Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент. 1980.
4. Мустафоев Ш. Шоир санъатшунослар нигоҳида // Зарафшон. № 19. 11 феврал 2016.
5. Разиқова И., Ўталов Қ., Ёрматова Ш. Абу Али ибн Сино асарларида беморларни даволашда мизож ва пульснинг аҳамияти // “Ибн Сино таълимоти – фан таракқиётида” мавзусидаги VI халқаро анжумани тезислари. Бухоро. 2011.
6. Рўзиева З. Мусиқа – минг дардининг давоси // Қашқадарё. № 136. 10 ноябрь 2015 йил.
7. Шамсиев П. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. Тошкент. 1966.
8. Феруза Аскар. Мусиқа ва инсон маънавияти. Т.2000. 12-бет.
9. Абу Али Ибн Сино. Тибб китоблари. Том I. Т. 1993. 75-бет.
10. Рашидова Д. Дарवेशали Чангий // Совет Ўзбекистони. 1978. № 10. 18-19 бетлар.

O'RTA ASRLAR SHARQ ALLOMALARI VA MUTAFAKKIRLARI IJODIDA MUSIQA VA QO'SHIQ ILMI

S.S.Malikova

O'zDSMI, Vokal kafedrasi dotsenti, p.f.n.,

Аннотация: Мақолада мусиқа ва қўшиқ илмининг тарихий ривожини. Шарқ Уйғонииш даври мутафаккирлари Борбад Марвазий, Абу Наср Фарабий ва Ибн Синоларнинг тадқиқотлари ва ижодларини ўрганиб таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Борбад Марвазий, уйғонииш даври, мусиқа илми, қўшиқ, созлар, трактатлар, қўлёмалар.

Аннотация: В статье рассматривается и анализируется историческое развитие музыкальной науки, исследование и творчество мыслителей Востока эпохи возрождения Борбад Марвазий, Абу Наср Фараби и Ибн Сина.

Ключевые слова: Борбад Марвазий, эпоха возрождения, музыка, пение, инструменты, трактаты, рукописи.

Annotatsiya: The article examines the historical development of musical science, research and creative thinkers of the East Renaissance Borbad Marvazi, Abu Nasr Farabi and Ibn Sina.

Keywords: Borbad Marvazi, era, revival, music, singing, instruments, treatises, manuscripts.

“Tarixiy merosni o‘rganmay turib, kelajakka qadam qo‘yib bo‘lmaydi” degan Gyote.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning tashabbusi bilan 2014 yil 15-16-may Samarqandda bo‘lib o‘tgan “O‘rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati” mavzusidagi xalqaro anjumanini o‘tkazilishi mamlakatimizda ajdodlar merosini o‘rganish va targ‘ib etishga katta e‘tibor qaratilayotganidan dalolat beradi. Dunyoning ko‘plab mamlakatlari ilmiy tadqiqot institutlari, universitetlarida Ulug‘bek, al-Xorazmi, al-Farobiy, Ibn Sino, Navoiy va boshqa mutafakkir olimlarning jahon ilmu-fani taraqqiyotiga qo‘shgan meroslari, qarashlari, tadqiqotlari katta qiziqish bilan o‘rganib kelinayotganligini, bahsli masalalarda ularning fikrlariga tayanilayotganligini, anjuman ishtirochilari mamnuniyat bilan e‘tirof etdilar. Yevropa, Yaponiya, Koreya va boshqa ta‘lim muassasalarida ularning ilm-fan sirlarini egallash borasidagi uslublaridan keng fodalanihlari yana bir bor Gytotening bu dono gapining isbotidir.

Xalqaro anjumanda qatnashgan olimlarning fikrlarini o‘rganganimizda bunga yanada amin bo‘ldik. Masalan, Djons Xopkins univesiteti qoshidagi Markaziy Osiyo va Kavkaz bo‘yicha institut raisi (AQSH) Frederik Starr bugun O‘zbekistonning shonli tarixi jonlanmoqda deb, “... ilmiy ahamiyati bo‘yicha ushbu mintaqa Hindiston, Xitoy, Yevropa yoki Yaqin Sharqdan qolishmaydi. Ushbu zaminda istiqomat qilgan qomsiy olimlar amalda jahon tafakkurining daholari bo‘lganlar. Ularning ilmiy ishlari o‘tmish va zamonaviylik o‘rtasidagi ilmiy yutuqlarni bog‘ladi.

Bu zotlarning aql-zakovati tufayli Uyg‘onish arab dunyosida emas, balki aynan Markaziy Osiyoda, O‘zbekiston hududida yuz bergan. ... falsafa va dinshunoslik doirasidan tashqari boshqa muvaffaqiyatlar va kashfiyotlar ham mavjud. Markaziy Osiyo tegil po‘lati, Samarqandda qayta kashf qilingan paxtadan qog‘oz, shamol tegirmoni va boshqa texnologiya kashfiyotlarning vatani bo‘lgan” deb, bu anjuman jahon olimlari uchun juda ham qadrli ekanligini ta‘kidlaydi.[1, B: 52-54]

Luidji Akkardi, Tor Bergata nomidagi Rim universiteti professori, Vito Volterra markazi direktori, suhbat davomida Mirzo Ulug‘bek o‘z davrida Markaziy Osiyoda yagona rasadxona